# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 9 май, № 90 (5510) Чоршанба


## 9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

## Ватан ардоғи, эл-юрт ҳурмати

*Истиқлол шарофати билан юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатган аждодларимиз руҳини хотирлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, бугунги ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида ўзининг улкан ҳаётий тажрибаси орқали ибрат бўлаётган кексаларимизни қадрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида бу улуғ амаллар янада кенг миқёс касб этади. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили ушбу сана мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юксак савияда ўтказиб келинмоқда. Президентимизнинг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, бу галги тадбирларга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда қатор ташкилотлар бунга жалб этилган. Улар ҳамкорлигида жойларда ташкил этилаётган турли учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар, анжуманларда бугунги дориламон кунларнинг қадри, мустақиллик берган имкониятлар, кўпни кўрган отахону онахонларимизнинг Ватанимиз тараққиёти йўлида қўшган ҳиссалари алоҳида тилга олинмоқда. Юртбошимиз мукофоти, совға-саломлар, самимий табрик сўзлари эса дилларга ўзгача кайфият ва мамнунлик улашаверади.*

(Давоми 2-бетда).



## Эъзоз, эҳтиром ва ғамхўрлик

*Ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос хислат. Бундай азалий анъаналаримиз бугун, айниқса, яққол намоён бўлаётир. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимиз ҳолидан хабар олиниб, уларга Президентимиз Фармони асосида ажратилган пул мукофотлари, ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари тантанали равишда топширилмоқда.*

### Шукроналик

Қорақалпоғистон Республикасида умргузаронлик қилаётган 213 нафар уруш қатнашчиси ҳам шундай рағбат ва эҳтиромдан баҳраманд бўлди. Улар орасида Тахиатош шаҳрилик Ражаб ота Жуманиёзов ҳам бор.

— Умримизнинг ўша машаққатли йилларини эсласак, ҳалиям этимиз жимирлайди, — дейди Ражаб ота. — Шукрки, бугун осойишта юртда фаровон турмуш кечиряпмиз. Маҳаллаларимиз обод, хонадонларимиз файзу тароватга тўла. Ёшларимиз кўз кўриб қувнайдиган мактабу коллежларда билим олишаяпти.

Ражаб ота тўқсон ёшни қоралаяпти. Лекин кексалик гаштини оёқ узатиб ўтказай демайди. Маҳаллани айланади, эл-улусга қўшилади, ёшларга насиҳат қилиб толмайди. Уларни эзгу ишларга даъват этади. Отахон йигирмадан ортиқ неваралари даврасида, тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечираётганидан бахтиёр. Дилида эса — шукроналик. Энг муҳими, бундан бошқалар ҳам ибрату сабоқ олишаяпти. Зеро, бугунги дориламон кунларимиз, қўлга киритаётган ютуқларимиз асрларга татигуликдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Президент асари ўрганилмоқда

*Навоий шаҳридаги кончилик коллежида Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарини ўрганишга бағишланган семинар ташкил этилди.*

### Тадбир

Унда кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар ҳамда ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур асарнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тўхталдилар. Хусусан, истиқлолнинг дастлабки йилларида сиёсий курашлар авж олган оғир бир шароитда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган оқилона сиёсат бугун аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Асар мазмун-моҳияти акс эттирилган ҳужжатли фильм ва кўргазмали воситалар намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мазкур китобни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида унда баён этилган фикр ва қарашларни чуқур ўрганиш зарурлиги айтиб ўтилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Комиссия мажлиси

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги фармойишига асосан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда яқинда Тошкент шаҳрида Буюк Британия, АҚШ, Словения ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар (ЕХҲТ, USAID ва бошқалар) вакиллари, хорижий экспертлар, парламент аъзолари ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирокида бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар батафсил ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва унинг концепцияси лойиҳалари кенг муҳокама қилинди, журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик томонидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб бориш, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар,

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

*Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ишбилармонлар, илмий ва жамоатчилик доиралари, оммавий ахборот воситалари ҳамда Бельгияда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар вакиллари ҳозир бўлдилар.*

## Тақдимот маросими муҳим санага бағишланди

Маълумки, Бельгия 1991 йилнинг декабрида Европа мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг мустақиллигини эътироф этган эди. 1995 йилдан эътиборан эса Брюсселда юртимиз дипломатия ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ўтган давр мобайнида Бельгия Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европадаги ишончли ҳамкорларидан бирига айлангани ҳолда, икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатлари изчил ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 14 ноябрь куни Бельгияга қилган ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Бельгия бош вазири Ж.-Л. Деханенинг 1998 йилнинг апрелида Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожида муҳим қадам бўлди.

Тақдимот чоғида парламентлараро алоқалар мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилар экан, улар муваффақиятли тарзда ривожланиб бораётгани таъкидланди. 2006 йилнинг октябрида Бельгия Парламентлараро иттифоқи гуруҳи ҳузурида “Бельгия — Ўзбекистон” гуруҳи ташкил этилди. Ўз навбатида, 2007 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида “Ўзбекистон — Бельгия” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи тузилди.

Шу ўринда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисоий ҳамкорлик ҳам тобора ривож топиб бораётганини қайд этиш жоиз. Тақдимот иштирокчиларининг фикрича, ҳар икки томон ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ва кенгайтириш учун салмоқли салоҳиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қорақалпоғистон Республикаси

*Юртимизда тарихий-меъморий обидаларни қайта тиклаш, жумладан, туризмни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.*

#### Қизилқум бўйлаб саёҳат

“Djanbas Kala Tour” масъулияти чекланган жамияти ҳам “Хива — Ёнбошқалъа — Нукус — Мўйноқ — Орол денгизи — Нукус — Хива” йўналиши бўйлаб туризм хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Ҳозир жамият саъй-ҳаракати билан меҳмонлар юртимизнинг бетакрор табиати, қадимий қалъалари билан яқиндан таништирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналиш бўйича саёҳатга чиқувчилар туя ва отларда Қизилқум бўйлаб сайр этиш, даштнинг ҳайвонот ва наботот дунёси билан танишиш, кўлда қайиқларда сузиб, мазмунли ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўладилар.

**Ҳ. УСМОНОВ.**

### Бухоро

*Қоракўл саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олган Нодира Авезова тумандаги “Енгилпарвозтекстиль” масъулияти чекланган жамияти жамоаси сафига қўшилди.*

#### Ҳунарли ёшларга имконият

Корхона яқинда Нодирага ўхшаган ҳунарли ёшларнинг ўн беш нафарини ишга қабул қилди.

— Яна беш нафар коллеж битирувчисини ҳам маош тўлаш шарти билан ишга жалб этганмиз, — дейди корхона раҳбари Беҳзод Назаров. — Гап шундаки, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолиятини кенгайтиришга эришдик. Ўз даромадимиз эвазига замонавий тикув машиналари харид қилдик. Ўзида етти хил турдаги трикотаж маҳсулотларини жамлаган аёллар либоси тўпламини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада маҳсулотларимиз тури ўттизтадан ошди. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида буюртмачиларга салкам 30 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Шўрчи туманидаги “Нодирбек М” фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Алимардонов ўтган йили банкдан 480 миллион сўм кредит олиб, хориждан 17 минг туп олма кўчати олиб келганди.*

#### Интенсив боғ мевага кирди

Ана шу ниҳоллар асосида у ўн гектар майдонда интенсив боғ яратди. Айни пайтда улар шиғил ҳосил тугди. Соҳибкорлар ушбу мавсумнинг ўзида 8 тонна олма етиштиришни мўлжаллаб туришибди. Илмий хулосаларга кўра, уч-тўрт йилдан сўнг янги боғнинг ҳар гектаридан 500 центнергача ҳосил олиш мумкин. Фермер энди хўжаликка мевани қайта ишлайдиган технология келтириш саъй-ҳаракатида.

Сурхондарё вилоятида ўтган йили 263 гектарлик интенсив боғ бунёд этилган эди. Ҳозир улар томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланмоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб қилиш маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.*

#### Илғор технологиялар — ишлаб чиқаришга

Қибрай туманидаги “Bow co LTD” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган янги лойиҳа ҳам худди шу жиҳати билан аҳамиятлидир. Халқ хўжалиги тармоқларида кенг фойдаланиладиган каноп маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонага яқинда Жанубий корейялик ҳамкорлар томонидан 245 минг АҚШ долларилик сармоя киритилди. Кўп ўтмай, бу ерга хориждан қўшимча илғор технологик линиялар келтириб ўрнатилди. Натижада корхонада маҳсулот тайёрлашнинг йиллик ҳажми 350 тоннадан ошди. Энг муҳими, жамоа қисқа фурсатда ички бозор буюртмаларидан ташқари 79 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Бу каби лойиҳалар, ўз навбатида, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича 21 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилишини таъминлади.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

***Мамлакатимизда 2012 йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми***

**19,4 фоизга ўсди.**

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани, замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган янги ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилаётгани, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштираётган тадбиркорлар эса ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли соҳада ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

# Ватан ардоғи, эл-юрт ҳурмати



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги Хотира майдони халқимизнинг энг муқаддас қадамжоларидан биридир. Шу боис бу ердан зиёратчилар қадами узилмайди. Улар орасида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, турли касб эгалари, ҳарбийлар, талабаю ўқувчилар, қўйингки, барча-барчани учратиш мумкин. Хотира ва қадрлаш куни арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз билан худди шу масканда суҳбатлашдик.

— Мана шундай ёруғ кунларга етказганига минг бор шукр, — дейди Юнусобод туманида истиқомат қилувчи уруш қатнашчиси Рустам Муҳамедов. — Ҳаммаси тинчлик, осойишталик туфайли. Юртбошимиз барака топсинлар, доимо соғ-омон бўлсинлар. Биз, кексаларга шу қадар катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатаяптиларки, гўё ёшлик хурсандчиликларини мана энди тотаётгандекмиз. Бу йил 90 баҳорни қаршиладим. Умримнинг йигирма йилдан ошиғи мустақиллик даврида кечгани учун ҳам ҳаётимдан розиман. Фарзандларим, невараю эвараларим атрофимда, уларнинг бахтини кўриб, қувониб юрибман. Шунинг учун ҳам ҳар гал дуога қўл очганда “Тинчлигимизга, осойишталигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин” дея ният қиламиз. Ёшларга эса “Яхши ўқиб, юртимизга муносиб фарзанд бўлинглар”, деб, улуғ ишларга даъват этамиз. Чунки бугун уларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳеч бир замонда бўлган эмас. Буни дилдан ҳис қилиш, қадрига етиш лозим.

Эгнига ҳарбий либоси ярашиб турган, отахонлар билан қизғин суҳбатлашаётган йигит эътиборимизни тортди. Танишдик. Оддий аскар Умид Бобоқулов экан.

— Кексаларимиз ўгитини, ҳаётда кўрган-кечирганларини эшитиб, ўзимиз учун тегишли хулоса чиқарамиз, — дейди у. — Булар биз учун улкан ибрат мактабидир. “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейишади. Шундай экан, отахону онахонларимизни ардоқлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш биз, ёшларнинг ҳам бурчимиздир. Кўп кузатгансиз, тўю тантаналар, маҳалла-кўйда нишонланадиган турли тадбирларда кексаларимиз доимо давраларнинг тўрида савлат тўкиб ўтиришади. Улар тимсолида хонадонларимизга файз киради гўё...

Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш энг катта орзуларимдан бири эди. Ниятимга етдим. Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муяссар бўлдим. Энди ана шу масъулиятни ҳис қилиб, жисмоний, маънавий, сиёсий билимларимни бойитишга интилаяпман. Келажакда қайси касбни танлашимдан қатъи назар, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

— Байрам арафасида Президентимиз мукофотини олиб, жудаям хурсанд бўлдик, — дейди Чиноз туманилик уруш қатнашчиси Мирзарайим Эсонов. — Бу эътибор кучимизга куч қўшиб, руҳимизни янада кўтарди. Бизни қўллаётган эканлар, у кишини ҳамиша Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин. Амалга ошираётган ҳар бир эзгу ишларига барака берсин. Дуоларимизда доимо шуни сўраймиз.

Мустақиллик туфайли юртимиз обод бўлди. Ҳамма жойда қурилиш, бунёдкорлик ишлари давом этаяпти. Кўриб кўзингиз қувнайди. Ёшларга яратиб берилган имкониятларни айтмайсизми?! Замонавий мактабларда, институтларда ўқишаяпти, касб-ҳунар ўрганиб, ота-оналарига тиргак бўлишаяпти. Бундан ортиқ бахт борми дунёда?! Шу кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳам фарз, ҳам қарздир...

Мана шундай шукроналик билан яшаётган отахону онахонларимиз бор экан, юртимиздан ҳеч қачон файзу барака аримайди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда маданий-гуманитар ҳамкорликнинг тараққиёти хусусида фикр юритилар экан, мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги алоқалар ҳам изчил тараққий этиб бораётгани, Ўзбекистон ва Бельгия олий ўқув юртлари ўртасида меморандум ҳамда битимлар имзолангани тилга олинди.

Мамлакатимиз дипломатия миссияси кўмагида ҳар йили ташкил этиладиган Ўзбекистон

# Тақдимот маросими муҳим санага бағишланди

Мустақиллиги куни ва баҳор айёми — Наврўзи оламга бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирлари ёрқин воқеалар сифатида бельгияликлар хотирасида муҳрланиб қолаётгани тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилди.

Тақдимотда 2012 йилнинг юртимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилингани мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар, оила институтини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, маҳаллий бошқарув идораларининг аҳамиятини ошириш чора-тадбирларини кўзда тутувчи “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига оид маълумотлар тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилиниши баробарида, Ўзбекистоннинг кечаги ва бугунги куни ҳақида атрофлича тасаввур уйғотадиган ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Тақдимот якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири айрим иштирокчилар билан мулоқотда бўлди.

**Халқаро ҳакамлик уюшмаси президенти Йохан Бьят** яқинда Ўзбекистонга боргани ва ҳакамлик тизимининг тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро конференцияда қатнашганини айтиб, юртимизда пухта ўйланган ва самарали ҳакамлик тизими амал қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Элчихонада бўлиб ўтган мазкур тадбир якунларига тўхталар эканмиз, ушбу тақдимот ҳам Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон, Бельгия ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш учун салмоқли салоҳият мавжудлигини кўрсатди, — деди Й. Бьят. — Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий масалаларга, шу жумладан, мамлакатда билимли ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, айниқса, юксак баҳога лойиқдир.

“Ўзбекистонда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, у давлатнинг жамият ҳаётининг асосий масалаларига, аҳоли фаровонлиги изчил юксалиб боришини таъминлашга, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераётганини намоён этади”, деди Йохан Бьят.

**Геосиёсат масалалари бўйича эксперт Хильренр Бойс** Ўзбекистон ва Бельгия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил мобайнида кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини қайд этди. У Ўзбекистонга бир неча маротаба боргани ва ҳар сафар мамлакат ҳаётида юз бераётган эътиборга молик ижобий ўзгаришларнинг шоҳиди бўлаётганини таъкидлади.

Экспертнинг фикрича, жорий йилнинг Ўзбекистонда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муҳим аҳамиятга эга. “Оила — жамият тимсоли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши Ўзбекистонда “Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият” тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан далолат беради”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

## Семинар

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда семинар ўтказилди.*

# Ижтимоий лойиҳалар – амалиётга

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини самарали ёритиш, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришни таъминлаш соҳасида ОАВ фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2011 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Унга кўра, бугун ННТлар ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларида фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, биохилма-хилликни сақлаш ва барқарор равишда қўллашга қаратилган лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Шу хусусда атрофлича сўз борган семинарда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгилаб қўйилганлиги, пировардида ОАВ, авваламбор, мустақил нодавлат масс-медиа тузилмаларининг юртимизда фуқаролик жамиятини барпо қилишда алоҳида ўрни борлиги қайд этилди. Шу билан бирга, Президентимиз томонидан белгилаб берилган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида мазкур йўналишдаги ишларни ниҳоясига етказиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда ННТлар фаолияти учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шароит ва кафолатларни янада такомиллаштириш бўйича давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, ушбу масалаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ва мукаммал ёритишда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Инсон – азиз, меҳру оқибат – муқаддас

*Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир. Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида бу эзгу қадриятлар янада сайқал топди. Бугунги кунда кексаларни улуғлаш, шу жумладан, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга эҳтиром кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.*



## Тадбир

Давлатимиз раҳбари томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши ҳамда шу сана муносабати билан Фармон асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантириб келинаётгани ана шу чуқур ҳурмат, юксак эҳтиромнинг ёрқин тасдиғидир.

Шуларга уйғун тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимларида мазкур байрамни муносиб ўтказиш, марҳум фахрийларнинг порлоқ хотирасини ёд этиш, ҳозир ҳаёт бўлганларининг ҳолидан хабар олиш, эъзозлаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу анъана куни кеча вазирликнинг Маданият саройида бўлиб ўтган тантанали тадбирда давом эттирилди. Унга соҳа фахрийлари ва хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзолари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, шундай дориламон кунларга етишимизга катта ҳисса қўшган уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Тадбирда уруш қатнашчиларига пул мукофотлари, вазирлик табрикномаси ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ҳам вазирлик томонидан махсус совғалар топширилди.

Тадбир санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

**С. МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ш. ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ўтказилаётган давра суҳбати, семинар ва конференциялар самарадорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

# Комиссия мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида қўшимча равишда Эксперт гуруҳи ташкил этилди ва амалга оширилаётган ишларни доимий равишда мониторинг қилиб боришни кучайтириш механизми белгилаб олинди.

Йиғилишда қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# Ғолиблар тақдирланди

*Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича ташкил этилган бешинчи “Умумармия ўйинлари” якунланди.*
*Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.*

## Умумармия ўйинлари

Унда Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор В. Маҳмудов мазкур катта спорт байрами кўтаринки руҳда ўтганини таъкидлаб, ғолиб ва совриндорларни қутлади.

Айтиш жоизки, бешинчи “Умумармия ўйинлари”да 13 жамоа спортнинг ҳарбий учкураш, ҳарбий кўпкураш, офицерлар учкураши, спортча ориентир олиш, тош кўтариш, енгил атлетика, стол тенниси, минифутбол, волейбол, бокс турлари бўйича ўзаро беллашди. Қатнашчилар орасида кўплаб республика миқёсидаги турнирлар ғолиблари борлиги баҳсларнинг янада қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминлади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай спорт тадбирлари ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шундай қилиб, навбатдаги “Умумармия ўйинларида” Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи, майор Акмал Абдураззоқов хизмат қилаётган ҳарбий қисм жамоаси иккинчи, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга Мудофаа вазирлигининг фахрий ёрлиқ, махсус диплом ва кўчма кубоклари тантанали равишда топширилди.

**Ш. ЗОКИРЖОНОВ.**

# Чароғон диллар шукуҳи

*Беадад шукрлар бўлсинки, ёшим салкам тўқсонга бориб қолди. Шундай бўлса-да, кўнглим ҳали ёш. Бугун юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, яратиш ва бунёдкорлик йўлидаги ҳаракатлар кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшмоқда.*

## Миннатдорлик

Бу беқиёс янгиланишларни кўриб, қани эди, ҳозир ёшариб қолсаму юрт равнақи йўлида яна узоқ йиллар фаол ва ҳалол меҳнат қилсам, деган ўй ўтади кўнглимдан. Ахир Наманганимиздаги қурилишу ободончиликларга қаранг. Кейинги йилларда кенг кўламли бунёдкорликлар шаҳримизни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Бу ер кун сайин водийнинг энг гўзал, энг обод, энг замонавий шаҳарларидан бирига айланиб бораяпти. Шаҳарни кезсангиз, ҳаёт қайнайди: ҳамма иш билан банд, янги-янги режаларини амалга ошириш билан машғул. Кўчаю хиёбонлар эса гулларнинг хуш ифорига тўла...

Кўнгил қаришни истамаса-да, кексайиб қолгач, хийла нозиклашиб қоларкан, одам. Шунгами, сўнгги бир-икки йил ичида кўзларим анча хира тортди, кейинроқ эса буткул кўриш бахтидан мосуво бўлиб қолдим. Ёруғ дунёни кўра олмаслик, унинг рангин гўзаллигидан баҳраманд бўлолмаслик жуда-жуда оғир экан. Нимаям қила олардим дея тақдирга тан бериб турганимда, дўстларим пойтахтдаги замонавий клиникалардан бирига боришни маслаҳат бериб қолди. Кўнгилда яна умид уйғонди-ю, шифо истаб, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказига бордик.

Бу даргоҳ остонасидан ҳатлаганимиз ҳамон бизни хушмуомала шифокорлар кутиб олишди. Зарур тиббий текширувлардан сўнг профессор Зафар Сиддиқов ва малакали мутахассис Шаҳноза Жўраева иштирокида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шу куни кўзимнинг яроқсиз қорачиғини олиб ташлаб, ўрнига янгисини қўйишди. Дўхтирнинг айтишича, кўзим гавҳарини худди ниҳол каби “пайвандлашибди”. Энди мана шу нозик муолажадан сўнг ой сайин кўзларим равшан тортиб борар экан. Не бахтки, гулларнинг исини туйиш билан бирга уларнинг рангги, гўзаллигини ўз кўзларим билан кўриб, баҳра оламан. Бунинг учун фидойи шифокорларга ҳар қанча ташаккур айтсам-да, оз. Яратганнинг инояти билан улар менга Хотира ва қадрлаш куни юртимизда кенг нишонланаётган шундай қутлуғ кунларда энг бебаҳо бойлигим — саломатлигимни, кўз нуримни қайтариб беришди. Тилагим, эл саломатлигини асраш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган бу инсонлар ҳаётда ҳамиша рўшнолик кўриб яшашсин!

**Собиржон БАДАЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

# Инклюзив таълим истиқболлари

*Пойтахтимизда узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантириш масалалари ва бу борада оиланинг ўрни мавзуига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Махсус олимпиадаси, Миллий паралимпия ассоциацияси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда сенаторлар, депутатлар, таълим соҳаси ходимлари ва хорижлик экспертлар қатнашди.*

## Халқаро анжуман

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ёш авлоднинг замонавий асосда билим олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Қувонарлиси, бугун бу сингари эзгу ишлар юртимиздаги қатор жамоат ташкилотларининг ҳам асосий фаолият мезонига айланиб улгурди. Хусусан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг “Ўзбекистонда инклюзив таълим” лойиҳасига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, он-лайн анжуманлар ва мутахассислар учун семинар-тренинглар ташкил этилаяпти. Ушбу тадбирлар имконияти чекланган болаларнинг бошқа тенгқурлари сингари пухта билим олиши ва ютуқларга эришишини таъминлашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Мутахассислар фикрича, бугунги кунда жисмоний имконияти чекланган болаларнинг жамиятга мослашувини таъминлашда узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантиришга эътибор масаласи устувор аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, энг аввало, шундай фарзанди бор оилаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш зарур.

— Ўқув масканимизда таълим олаётган ёшлар орасида имконияти чекланган ўқувчилар ҳам бор, — дейди Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей директори Исмигул Хушмуродова. — Бугунги кунда улар бошқа тенгдошлари қатори илм-фан, спорт ҳамда санъат йўналишидаги тўгаракларга қатнаб, республикамиз ва жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бундай болаларни иқтидор ва интилишига яраша доимий рағбатлантириб бориш, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлашда уларнинг ота-оналари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлигимиз қўл келмоқда. Қолаверса, инклюзив таълимни ривожлантиришга қаратилган янгича педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш борасида ҳам изланишлар олиб бораяпмиз.

— Имконияти чекланган болаларга маънавий-руҳий жиҳатдан кўмаклашишда спортнинг аҳамияти беқиёс, — дейди Бутунжаҳон Махсус олимпиадаси вице-президенти Кэтрин Кларк хоним. — Бу борада мамлакатингиз миқёсида кўплаб мақсадли дастурлар, самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдим. Яқинда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида “Инклюзив таълим” миллий лойиҳасига кўра, футбол, дзюдо, енгил атлетика мусобақалари ва оилавий марафонлар ўтказилибди. Ушбу тадбирлар ҳақидаги видеоматериални кўриб, ниҳоятда таъсирландим. Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, юртингиз таълим тизимида мавжуд “Мактаб — оила — маҳалла” ҳамкорлиги тажрибасидан ҳам ҳар қанча ибрат олса, арзийди.

Анжуманда инклюзив таълим сифатини янада ошириш, имконияти чекланган болаларнинг жамиятга интеграциялашувига эришиш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш каби муҳим масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Тадбирда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондига инклюзив таълимни ривожлантириш борасидаги хайрли ишлари учун Европа-Евроосиё Махсус Олимпиадасининг сертификати топширилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юксак марраларни кўзлаган ёшлар

*Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақалари республика босқичи бошланишига оз фурсат қолмоқда.*

Навоий вилоятида бўлиб ўтадиган бу галги мусобақа ҳам ўғил-қизларимизга унутилмас онларни туҳфа этиши аниқ. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда нуфузли беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларнинг аксарияти уч босқичли спорт ўйинларида илк бор ғолиблик нашидасини сурган ёшлардир. Шу боис унинг туман, шаҳар, вилоят босқичлари қизғин ва муросасиз руҳда ўтди. Фарғона вилоятида ташкил этилган саралаш беллашувларига ҳам шундай баҳо бериш мумкин.

Айтиш керакки, мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 2641 нафар ўқувчи вилоят босқичига йўлланма олди. Ана шу ёшларнинг қарийб ярми — 1292 нафарини қиз болалар ташкил этди. Айниқса, футбол, волейбол, қўлтўпи, баскетбол каби жамоавий баҳслар, қизғин курашларга бой бўлди. Чунончи, жуда яхши ўйин намойиш этган Қўқон шаҳри футбол жамоаси, ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон тумани волейбол жамоаси, қизлар баҳсида Қўштепа тумани ёшлари, баскетбол бўйича Фарғона шаҳри ўсмир ва қизлари, қўлтўпи бўйича эса Фарғона шаҳри ҳамда Қўштепа тумани вакиллари ҳудудий беллашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Андижон шаҳрида ташкил этилган ҳудудий босқичда эса вилоятнинг баскетбол ва волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси Навоий шаҳрида бўлиб ўтадиган ҳал қилувчи баҳсларга йўлланманинг соҳиби бўлди. Шу тариқа "Умид ниҳоллари — 2012"да Фарғона вилояти шарафини 60 нафар ўғил-қиз ҳимоя қилиши аниқланди.

Эътиборли жиҳати, бу ёшлар орасида бир қатор халқаро мусобақалар ғолиблари ҳам бор. Ўтган йили шахмат бўйича Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медали билан тақдирланган Гулруҳбегим Тоҳиржонова — шулардан бири.

— "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари бошланишини сабрсизлик билан кутаяпман, — дейди иқтидорли шахматчи қиз. — Мақсадим мусобақада олтин медални қўлга киритиш. Ҳозир бунинг учун мураббийларим билан тинмай машғулотлар ўтказаяпмиз.

Сир эмаски, спортда юқори натижаларни қўлга киритиш учун пухта ҳозирлик талаб этилади. Шу боис вилоят терма жамоаси аъзоларининг тайёргарлик ишларини юқори савияда олиб боришлари учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, ҳудуддаги замонавий спорт иншоотлари ва майдончалари ёшлар ихтиёрида. Машғулотларга малакали мураббий ва устозлар жалб этилган.

— Фарғонадан жуда кўп полвонлар етишиб чиққан, — дейди ёш спортчи Улуғбек Худойберганов. — Мен ҳам уларнинг муносиб издоши сифатида мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўраяпман. Устоз ва мураббийларим ишончини оқлаб, мусобақаларда ғолиб бўлиш учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан.



Дарҳақиқат, Гулруҳбегим, Улуғбек сингари кўплаб иқтидорли ёшлар учун "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари ўзига хос парвоз майдонига айланишига шубҳа йўқ. Қолаверса, ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиб, маҳорат ва тажриба тўплаган ёшларимиз келажакда бундан-да юксак марралар сари интилишларига ишончимиз комил.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

---

*Иқтисодиёт тармоқларининг ривожи, кўп жиҳатдан, молиявий хизматлар сифатига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда молия-банк тизимини ривожлантириш, тижорат банкларининг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида изчил ислоҳотлар олиб борилаяпти. Бу эса кутилган самараларни бераётир.*

## Молиявий хизматлар:

# Сифат ва суръат уйғунлиги



Ўзбекистон — Германия "Савдогарбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Чунки бугунги кунга келиб, мазкур банкнинг умумий капитали 30 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Республикамиз бўйича унинг 26 та филиали, 25 та минибанки, 25 та махсус кассаси, 27 та жамғарма кассаси ва 40 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 130 мингдан ортиқ мижозга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес субъектлари эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Гап шундаки, ушбу соҳага 2012 йилнинг биринчи чорагида 17,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 3,3 млрд. сўми саноатга, 3,8 млрд. сўми қишлоқ хўжалигига, 3,7 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 786 млн. сўми қурилишга, 5,9 млрд. сўми эса иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди. Бунинг эвазига кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи тубдан яхшиланиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энг муҳими, 689 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

> Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси, айниқса, аёлларнинг тадбиркорлик иқтидорини юзага чиқариш имкониятини янада кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида банкнинг 1,9 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари шу мақсадларга йўналтирилиб, хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳалардаги лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

Таъкидлаш керакки, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳам диққат-эътиборда турибди. Ўтган қисқа давр ичида ёш оилалар 753 млн. сўм миқдоридаги кредитлардан баҳраманд бўлгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобидан ички бозорни сифатли ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида 6,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Каттақўрғон туманидаги "Маржон" кўп тармоқли корхонаси, масалан, ушбу молия муассасасининг Пайшанба филиали томонидан берилган 250 млн. сўм миқдоридаги кредит ҳисобига 96 бош қорамол сотиб олгач, ойлик гўшт етиштириш ҳажми 4 тоннага етказилди.

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда банкнинг ўз маблағлари улуши ҳам тобора ортаётгани қувонарлидир. Хусусан, 2012 йилнинг январь — март ойларида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш каби иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларига 7,2 млрд. сўм миқдорида банк кредитлари ажратилди. Бундан ташқари, фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун жами 14,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш учун молиявий хизматлар бозорида пластик карточкаларга асосланган замонавий усул кенг жорий қилинмоқда. Пировардида ҳозирги кунда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 146 мингтани, терминаллар сони эса 3100 тани ташкил этмоқда.

Албатта, банк тизими ривожини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ички ахборот оқимини самарали ташкил этиш ва уни оқилона бошқаришда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий қилинмоқда. Пировардида, "Интернет-банкинг", "Банк — мижоз" каби интерактив хизматлардан фойдаланиш даражаси тобора ошиши таъминланмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида эса аҳолига миллий валютада бир неча омонат тури таклиф қилинаётир. Болалар 18 ёшга етгунга қадар "Бахтли болалик" жамғарма омонати, "Хазина", "Истиқбол", "Кафолат", "Орзу", "Наврўз айёми" муддатли омонатлари шулар жумласидандир.

Қувонарлиси, "Савдогарбанк" ОАТБ жамоаси тегишли ҳужжатлар асосида белгилаб берилган устувор вазифалардан оғишмай, ҳамжиҳатликда фидокорона меҳнат қилаётгани туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам барча йўналишларда ижобий кўрсаткичларга эришди. Бу эса аҳолининг банкка бўлган ишончи ортиб, унинг молиявий хизматлар бозоридаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. Бундан руҳланган аҳил жамоа Мустаҳкам оила йилида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳақиқий молиявий мададкори бўлиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

---

# «Камалак жилоси»

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бадиий академия ва Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида "Камалак жилоси" болалар расмлари республика кўрик-танлови ўтказилади.*

## Интилиш

Унда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ижодий ишлари билан қатнашишди.

Тадбирда таъкидландики, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Камалак жилоси» республика кўрик-танлови ёшларимизнинг бадиий санъатга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, бу галги ижодий беллашувда юртимизнинг барча ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйларининг 1500 нафардан зиёд тарбияланувчилари турли мавзуларга оид ишлари билан иштирок этдилар. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ғолиблар 4 ёшдан 10 ёшгача ҳамда 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган тоифада аниқланди.

Тасвирий санъат йўналишида «Беғубор болалигим» мавзуида чизган расми учун Жиззахдаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умид Тиловов, «Саттеподаги аёл» расми учун Самарқанддаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ҳусейн Каримов биринчи ўринга сазовор бўлишди. Андижон шаҳридаги болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари Элдор Раҳмонқуловнинг «Кулоллик», Катя Кравчевская ва Наврўз Аҳмадалиевнинг «Она алласи» мавзуидаги ишлари амалий санъат йўналишида биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Тадбир якунида совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Рисолат ҲАСАНОВА.**


● Реклама ва эълонлар ●

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 16 сентябрдаги ажримига, 2011 йил 28 ноябрдаги 43980-сонли ижро иши ва 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, бошланғич нархи 1 403 696 700 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган, «Shela Ram Textile Trading» шўъба корхонаси (собиқ 2-автокорхонаси)га тегишли ер участкасининг умумий майдони 2,01 гектар, ҳақиқий майдони 11583,0 кв.м. бўлган, 3 та бино ва 2 та иншоотдан иборат (бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2382,5 кв.м.) кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 25 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*

752R/505

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**2012 йил 30 май куни соат 11.00 да «Capital Realtor Group» МЧЖда объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти, Паркент тумани, 1-сонли давлат нотариал идорасининг 2011 йил 19 майдаги 35-сонли реестр рақами билан қайд қилинган ижро хатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, «Булоқбоши» МФЙ, Жўлдиқораев кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 514,0 кв.м., фойдаланиш майдони 127,01 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич нархи — 20 000 000 сўм.*

**2.** Тошкент вилояти, Паркент тумани, 1-сонли давлат нотариал идорасининг 2010 йил 19 августдаги 1-2307-сонли реестр рақами билан қайд қилинган ижро хатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, «Обжувоз» МФЙ, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 98-уйда жойлашган, яшаш майдони 94,71 кв.м., фойдаланиш майдони 99,67 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич нархи — 55 000 000 сўм.*

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк»и Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия RR-0017.*

759A/1192

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

*қуйидагиларни маълум қилади.*

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 30 апрелдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ажримига ва Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2012 йил 3 майдаги 20-01-1098-31/2-сонли хатига асосан хатланган, 2012 йил 18 май кунига аукцион савдосига қўйилган сартарошхона ва дўкон (офис) бино-иншоотларининг бошланғич нархи ўзгартирилганлиги муносабати билан «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 21 апрелдаги 78 (5498)-сонида «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг чоп этилган эълонидаги

***«Бошланғич нархи — 175 890 000 сўм» сўзлари***
***«Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм» деб ўқилсин.***

752R/505

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

***Савдога Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** 2011 йил 31 октябрдаги 11-1132/17072-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» ҚФЙ, Хумсон кўчасида жойлашган дўкон.

***Бошланғич баҳоси — 43 000 000 сўм.***

**2.** 2012 йил 19 апрелдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қоронқул қишлоғининг юқори қисмида жойлашган дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 17 002 472 сўм.***

**3.** 2011 йил 28 октябрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони, Бештут маҳалласида жойлашган дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 226 562 590 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 12 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 12 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 27 июнь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

*Лицензия: RR-0052.*

754R/121

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
## Самарқанд филиали

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**2012 йил 25 май куни соат 11.00 да «Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилмоқда:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барака кўчасида жойлашган 21-уй-жойнинг 34/100 қисми, 2 қаватдан иборат, қурилиш ости майдони — 351,11 кв.м.

*Бошланғич баҳоси — 262 766 227,50 сўм.*

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Садриддин Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган «РАИС БОБО» номли 2 қаватли ресторан. 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 кв.м., қурилиш ости майдони — 822,67 кв.м., фойдали майдони — 1454,35 кв.м.

*Бошланғич баҳоси — 545 591 619 сўм.*

***Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган кўчмас мулк объектларининг такрорий савдоси 2012 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Ушбу кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк»и Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

*Лицензия RR-0017.*

758A/1192


"O`zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси "Истиқбол" студияси бўлим мудири Нозима Воҳидовага падари бузруквори **Раҳим ВОҲИДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзқурилишматериаллари" компанияси жамоаси "Қувасойцемент" АЖнинг ишлаб чиқариш директори Шуҳрат Таджибаевга волидаи муҳтарамаси **ҲОЖИРАХОН онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси Пул муомаласи департаменти бошлиғи ўринбосари Мухамет Жумагалдиевга волидаи муҳтарамаси **НИЯЗЖОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Механизмлар назарияси ва машина деталлари кафедраси доценти Абдусамин Гапировга волидаи муҳтарамаси **Марҳамат ГАПИРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»
акциядорлик компанияси
меҳнат жамоаси



ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
билан барча ватандошларимизни
самимий муборакбод этади!

*Ушбу қутлуғ байрам кунларида юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз фаровонлиги учун жон фидо қилган азиз юртдошларимиз хотираси абадий эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.*
*Сочларига оқ оралаган азиз отахону момоларимизни, барча юртдошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, бугунги кунларимизга шукроналар айтиб, она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашини тилаб қоламиз!*

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ
МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
*мамлакатимиз халқини*
*Хотира ва қадрлаш куни*
*билан чин дилдан қутлайди!*

*Бугунги нурафшон кунлар,*
*ёрқин келажагимиз учун*
*жонини фидо этган улуғ*
*аждодларимиз, ота-боболаримиз*
*хотираси қалбимизда мангу яшайди.*
*Юртимизда тинчлик-осойишталик*
*ҳукм суриб, халқимиз яратувчанлик*
*ишқи билан яшаётган бир даврда*
*ватандошларимизга энг яхши*
*тилакларни изҳор этамиз!*




«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»
жамоаси
уруш ва меҳнат фахрийларини,
отахону онахонларимизни
Хотира ва қадрлаш куни
билан чин қалбдан қутлайди!

Сизларнинг матонатингиз, фидокорлигингиз,
Ватанга бўлган чексиз муҳаббатингиз
олдида доимо бош эгамиз
ва сизлардан тоабад
миннатдормиз.

Ҳамиша омон бўлинг.
Уйингиздан қувонч
ва бахт аримасин!




734R/88

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — F. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5